Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 11-fevral. Payshanba • 18 (32.077) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

***Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси барча сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан кўриб чиқилган ва концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланган, шу асосда Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган. Айни пайтда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш бўйича фракциялар томонидан таклифлар тайёрланмоқда.***

**ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ**



# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ —

## *инсон ҳаёти, соғлиғи, қонуний манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ долзарб масала*

Гап шундаки, ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, шу билан бирга, мазкур ҳужжатда ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси кафолатларини таъминлаш, айниқса, бу масалада иш берувчиларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

8 февраль куни қонун лойиҳаси парламент Қонунчилик палатасидаги Демократик кучлар блоки йиғилишида муҳокама этилгач, (айрим масалаларда таклифлар берилган ҳолда) уни қўллаб-қувватлаш бўйича қарор қилинди. Бироқ Ўзбекистон ХДП фракцияси қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишида партия Сайловолди дастури ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасидаги айрим меъёрлар бўйича ўз позициясига эга эканини маълум қилди.

► Давоми 2-бетда.




**Наманган**

## Буюк шоирга эҳтиром

**Наманагандаги мусиқали драма ва комедия театрида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб «Алишер Навоий ижоди — маънавиятимиз хазинаси» номли назм ва наво кечаси ташкил этилди. Тадбирни вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, ЎзХДП фаоли Зиёвуддин Мансуров олиб борди.**

Наманган вилоят ҳокимлиги расмий сайтида хабар қилинишича, кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли олим ва ёш ижодкорлар иштирок этган. Сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, истиқлол йилларида буюк бобокалонимиз ижодига юксак эътибор қаратилди. Унинг улкан меросини ўрганишга кенг аҳамият берилмоқда.

Шунингдек, тадбирда Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузалар тингланди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

**Қашқадарё**

## 2016 йилда бунёдкорлик ишларига қарийб 5 триллион сўм маблағ ажратилади

Инвестиция дастурига мувофиқ, 2016 йилда Қашқадарё вилоятидаги 43 умумий ўрта таълим муассасасида бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

8 мактаб янгидан қурилса, 25 мактабда реконструкция, 10 мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Ушбу объектларда қарийб 45 миллиард сўмдан ортиқ иш бажарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган 2015-2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилда вилоятдаги 37 мактаб ўзининг янги спорт залига эга бўлади.

«Қашқадарё» газетаси сайтида қайд этилишича, жорий йилда вилоятдаги 8 касб-ҳунар коллежида бунёдкорлик ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Мазкур объектларга жорий йилда 10 миллиард 800 миллион сўм сарфланади.

«Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорда 2016 йилда вилоятда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларига 4 триллион 913 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши белгиланган.

**Фарғона**

## Йил боши режалари

**Фарғона вилоятининг барча шаҳар-туманларида фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда «Фарғона ҳақиқати» газетаси сайти хабар тарқатган.**

Данғара туманида жорий йилда бир қатор лойиҳалар — мева-сабзавотларни қайта ишлаш, иссиқхона, музлатгич-омборхоналар ташкил этиш ишларига Жаҳон банкининг 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари жалб этилади. Шу билан бирга, бу йил ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 18,7 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниши, шундан 17,1 миллион долларлик экспорт мева-сабзавот маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келиши режалаштирилмоқда.

Фаоллар йиғилишида иштирок этган вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев туманда жорий йилда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ишга тушириш ҳисобига юқори бюджетдан олинадиган субвенция маблағларининг харажатдаги улушини 10 фоизга камайтириш, 2017 йилдан бошлаб эса Данғара туманини субвенция оладиган ҳудудлар рўйхатидан чиқариш кўзда тутилаётганини таъкидлади.

**ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ**

# Бурч ва масъулият

## *юракдан ҳис этилса, амалий ишлар кўпаяди, одамлар ишончи оқланади*

**Бугун ҳар бир сиёсий партиядан Сайловолди дастури ижросини таъминлаш, барча куч ва имкониятларни ана шу мақсад йўлида бирлаштириш талаб этилмоқда. Чунки халқимиз, сайловчилар, электорат вакиллари сиёсий партия фаолиятига ана шу мезондан келиб чиқиб баҳо бермоқда.**

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўтган йили ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши томонидан партиямиз Сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилинди. Партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларда қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, 2015 йилда Ҳаракат дастурида белгиланган 11 масала партия гуруҳлари йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилди. Шундан битта масала маҳаллий Кенгаш сессиясида, 10 масала эса доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилинди.

► Давоми 2-бетда.

# САВОЛ ВА ЖАВОБ

*— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар ажратилиши тўғрисида кўп эшитамиз. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу масала қандай акс этган?*

**Зайнабхон МАМАЖОНОВА,**
**Бухоро вилояти.**



*Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,*
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Яқинда Марказий банкнинг тегишли қарорига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратилиш тартиби белгиланди. Унга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтган ёки юридик шахс устав фондида (устав капиталида) 50 фоиз ёки ундан ортиқ акцияга (улушга) эга бўлган битирувчиларга имтиёзли микрокредитлар берилади. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларида ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчилар кредитлаш субъектлари ҳисобланади.

Эътиборлиси шундаки, микрокредит юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача, юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга эса, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Микрокредит қарз олувчига кредит ажратилаётган лойиҳанинг ўзини ўзи қоплашини ҳисобга олиб, фаолиятни бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш 12 ой муддатгача белгиланди. Бундан ташқари, микрокредитлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш учун айланма маблағларини тўлдиришга, шунингдек, асбоб-ускуналарни сотиб олишга 2 йил муддатгача ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 3 йилдан ортиқ муддатга берилади.

Шунингдек, микрокредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда, банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратилган тақдирда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси оширилган тақдирда шартномада кўрсатилган фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолдирилади.

Қарз олувчилар микрокредит олиш учун банкка буюртма тақдим этади. Буюртмага қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа, қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси илова қилинади. Бундан ташқари, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ҳам кўрсатилади, касб-ҳунар коллежи дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

**Банк буюртмани олганидан сўнг уч иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва микрокредит бериш ёки микрокредит беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.**

**2015 ЙИЛДА**

Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда **860** дан ортиқ медални қўлга киритишга эришди. Шунинг **311** таси олтин, **274** таси кумуш ва **276** таси бронза медаллардир.



**ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ**

# Нотариат институти

Мамлакатимизда нотариат соҳасини янада такомиллаштириш, унинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш бўйича етарли норматив-ҳуқуқий база яратилди.

► Давоми 3-бетда.

**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

**2015 ЙИЛДА** ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИРИҚ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ТОМОРҚАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН СЕССИЯЛАРГА КИРИТИЛГАН 19 МАСАЛАНИНГ 6 ТАСИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРГА ТЕГИШЛИ. ШУНИНГДЕК, 85 МАСАЛА ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИДА ВА 74 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

**ХУШХАБАР!**

АҚШНИНГ ХЬЮСТОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ГРАН-ПРИ ТУРНИРИДА ҲАМЮРТИМИЗ, 40 ЁШЛИ СПОРТЧИ ОКСАНА ЧУСОВИТИНА ИККИТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ. У ТАЯНИБ САКРАШДА ОЛТИН, КЎПКУРАШ ЯКУНИДА ЭСА КУМУШ МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛДИ!

## ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

■ Ишчиларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтиши иш берувчи ҳисобидан амалга оширилиши керак.

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ —

*инсон ҳаёти, соғлиғи, қонуний манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ долзарб масала*

**Демократик кучлар блоки амалдаги Қонуннинг 15-моддасидаги меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш ҳақидаги нормага қўшимча киритиш таклифини илгари сурди. Уларнинг фикрича, Конституция талаблари ва Республикамиз қонунларига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жамғармаларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш Касаба уюшмаларининг иштирокисиз амалга оширилиши керак. Бундай тартиб ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларига салбий таъсир қилмайди. Бундан ташқари, «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга кўра, ҳукуматнинг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.**

— Фракциямиз аъзолари мазкур норма амалдаги кўринишда сақлаб қолиниши тарафдори, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов.** — Чунки Касаба уюшмалари ташкилотлари ишчи-ходимларнинг умумий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириши, ўз аъзоларининг меҳнатини муҳофаза қилиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаши лозим. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда бу ҳақда аниқ ҳуқуқий асослар кўзда тутилган. Шунга асосланиб, фракциямиз иш берувчи томонидан меҳнат муҳофазаси учун ажратилган маблағлар, шунингдек, бу борадаги жамғармаларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланиши зарур, деган таклифни илгари сурмоқда. Бу меъёр ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ЎзЛиДеП фракцияси ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтиши иш берувчи ҳисобидан амалга оширилиши керак эмас, деб ҳисобламоқда. Яъни, уларнинг фикрича, иш берувчи ходимнинг меҳнати учун ҳақ тўлайди, ходим ўз соғлиғи ҳақида ўзи қайғуриши керак.

— Бу масалада фракциямизнинг позицияси бошқача, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова.** — Фикримизча, ишчиларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтиши иш берувчи ҳисобидан амалга оширилиши керак. **Бунинг учун қонун лойиҳасидаги шу ҳақдаги меъёр ўз ҳолича сақлаб қолиниши лозим. Чунки ходимнинг саломатлиги бевосита меҳнат фаолиятига таъсир кўрсатади. Ишчи-ходимнинг саломатлигидан, биринчи навбатда, иш берувчи манфаатдор бўлади.** Бундан ташқари, ходим қаерда тиббий кўрикдан ўтиши катта аҳамият касб этмайди. Шунинг учун фракциямиз фикрича, ходимнинг ўзи яшаб турган ҳудуддаги даволаш профилактика муассасасида тиббий кўрикдан ўтиши мумкин эмас, деган норма қонун лойиҳасидан олиб ташланиши лозим.

Қонун лойиҳасидаги яна бир муҳим масала меҳнат муҳофазасига доир махсус органнинг ваколатлари билан боғлиқдир. Қонун лойиҳасига кўра, махсус ваколатли орган меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги мажбурий суғуртаси, шунингдек, ноқулай шароитда меҳнат қилаётган ходимларга имтиёз ва компенсациялар тўланиши устидан давлат назорати ҳамда мониторингини амалга ошириши кўзда тутилмоқда.

Демократик кучлар блокининг фикрича, бундай тартиб кичик бизнес субъектлари ривожига тўсиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун махсус ваколатли орган назорат қилиш тизимидан кичик бизнес субъектлари чиқарилиши лозим.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тартиб-қоидалар ишчи-ходим ҳаёти, соғлиғига зарар етказадиган даражада бузилган тақдирда, махсус ваколатли орган ташкилот фолиятини қонунга мувофиқ тарзда тўхтатиб туриши мумкинлиги тўғрисидаги меъёр ҳам мавжуд. Демократик кучлар блоки мазкур меъёрни қайта кўриб чиқиш, яъни, ташкилот фаолиятини тўхтатиб туриш фақат суд орқали амалга оширилишини назарда тутиш керак, деб ҳисобламоқда.

**Хўш, ушбу масалалар бўйича ЎзХДП фракциясининг фикри, позицияси қандай?**

— Одамлар, ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва саломатлиги тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатларидан устун, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмалжон Умаралиев.** — Шу боис бу борада жавобгарлик масаласида барча тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари бирдек масъул бўлмоғи лозим. Ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича иш берувчининг масъулияти ва давлат назоратини янада кучайтириш халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқдир.

Қонун лойиҳасида иш берувчи ва ходим ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низолар ҳақида ҳам баён этилган. Унга кўра, махсус ваколатли орган касб билан боғлиқ касалликлар юзага келганда, ташкилот фаолияти тўхтатилганда ёки таркибий бўлинганда ёхуд бошқа сабабларга асосан меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида судга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланмоқда. Демократик кучлар блоки фикрича, бу масалалар бўйича Касаба уюшмаси қўмитаси судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу боис махсус ваколатли давлат органи бу муносабатларга аралашиши шарт эмас.

**ЎзХДП фракцияси эса, аксинча, инсон хавфсизлигига дахл қилувчи ҳар бир ҳолат юзасидан ходимнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланиши ва давлат органларининг бу борада назорати ҳамда масъулияти ошиши лозим, деб ҳисоблайди.**

Қонун лойиҳасидан ўрин олган яна бир модда меҳнат шароити бўйича давлат экспертизаси билан боғлиқдир. Унга кўра, меҳнат шароити бўйича давлат экспертиза хулосаси судда ташкилот тугатилиши ҳақидаги иш кўриб чиқилиши учун асос бўла олади. Демократик кучлар блоки бу меъёр ҳам тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолиятига тўсиқ бўлишини таъкидламоқда.

**ЎзХДП фракцияси меҳнат шароити бўйича давлат экспертиза хулосаси суд учун олдиндан уюштирилиши мумкин эмас, деган фикрни илгари суряпти. Шунга асосан қонун лойиҳасидаги меъёрни сақлаб қолиш зарур, деб ҳисобламоқда.**

Парламент қуйи палатасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси бўйича фракциялар таклифларини шакллантириш жараёни қизғин давом этмоқда.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

***ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИНИНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА БИЛДИРАЁТГАН АЙРИМ ҚАРАШЛАРИ БИЛАН МУТЛАҚО КЕЛИША ОЛМАЙДИ...***

■ **Одамлар, ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва саломатлиги тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатларидан устун. Шу боис бу борада жавобгарлик масаласида барча тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари бирдек масъул бўлмоғи лозим.**

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

## ДАВРА СУҲБАТИ

**Урганчда «Ўзбекистон халқ демократик партиясининг сайловолди дастурини амалга оширишда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ролини кучайтиришга доир долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши масъул ходимлари, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатлар фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Бугунги кунда ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда Давлат дастурлари ижроси юзасидан депутатлик ва парламент назоратини олиб бориш бўйича маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

— Маҳаллий Кенгаш депутати қонуний ваколатларга эга, катта ишонч ва ҳурматга сазовор бўлган масъулиятли шахс, — дейди халқ депутатлари Урганч тумани Кенгаши аъзоси Барно Бердиева. — У ўзи яшаётган ҳудуд аҳолисининг турмуш шароити, уларни ўйлантираётган муаммолардан доим хабардор бўлади. Бу депутат долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиши, партия гуруҳи, доимий комиссияларга таклиф бериши, депутатлик сўрови юборишида муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида кўриб чиқиладиган масалалар ана шу жараёнлар асосида шаклланади.

Тадбирда партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар мазмун-моҳияти ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш, бунда партиядан сайланган депутатларнинг фаоллиги ҳамда партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, Хоразм вилояти минтақавий кенгашлари томонидан 2015 йилда Ҳаракат дастури бўйича 11 масала кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, уларнинг барчаси депутатлик гуруҳи доимий комиссияларда ва 6 таси эса сессия йиғилишларида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурининг 2015 йилдаги ижроси ҳар бир туман ва шаҳар депутатлик гуруҳи фаолияти мисолида танқидий ва таҳлилий кўриб чиқилди. 2016 йилга белгиланган вазифаларни тўғри ва самарали амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

# Бурч ва масъулият

*юракдан ҳис этилса, амалий ишлар кўпаяди, одамлар ишончи оқланади*

**Хусусан, 2015 йилнинг июнь ойида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Томди туманидаги ижроси халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида атрофлича кўриб чиқилиб, масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.**

Сессияга таклиф тайёрлаш жараёнида депутатлар ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси нечоғли амалга оширилаётгани бўйича ўрганишлар олиб боришди. Натижада чекка ҳудудлардаги таълим муассасаларида дарсларни ташкил этишда илғор-педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, ўқув жараёнларида кўпроқ кўргазмали воситаларни қўллаш масалаларида таклифлар тайёрланди. Сессия қарорида булар ҳисобга олинди.

Шунингдек, Навбаҳор туманида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги масала ўрганилди. Бу борада партия гуруҳимиз томонидан тайёрланган танқидий-таҳлилий маълумотлар, туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссиясида кўриб чиқилди. Йиғилишда туман молия бўлими ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланди. ЎзХДП гуруҳи аъзолари йўл қўйилган камчиликларни аниқ факт ва рақамлар асосида кўрсатиб берди. Шу асосида депутатлар томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бу борада масъулиятни кучайтириш масалаларида таклифлар берилди. Доимий комиссия тегишли қарор қабул қилди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмасак бўлмайди. Бу сессияда, доимий комиссия йиғилишиларида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш масаласи билан боғлиқ. **Тўғриси, депутатлар, партия гуруҳларимиз, бирон масалани ўрганиб, сессия ёки доимий комиссия муҳокамасига киритиш билан чекланиб қолаётган ҳолатлар йўқ эмас. Электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган масала ўрганилиб, таклифлар ишлаб чиқилгач, тегишли қарор қабул қилинса-ю, унинг ижроси таъминланмаса, бундан кимга нима фойда?** Шундай экан, партия гуруҳларимиз ва ташкилотларимиз бу борада қатъиятлироқ бўлиши зарур.

Бунинг учун партиямиз кенгашлари ва гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги, хабардорлигини кучайтиришимиз талаб этилади. Умуман, олдимизда қилиниши керак бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Ўтган йили зиммамизга юклатилган вазифани тўлиқ бажардик, етарлича ташаббус кўрсата олдик, деб айта олмайман. Атрофга синчковлик билан назар ташласак, эътиборимиздан четда қолиб кетган масалалар оз эмас.

Вилоятимиз тараққиёти билан боғлиқ қарорларнинг ижроси, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, бандлик масалаларининг ижобий ҳал этилишида, айниқса, депутатларимиз фаол ва талабчан бўлмоғи лозим. Афсуски, бу борада айрим маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимизга қатъият, ташаббускорлик етишмаяпти. Хусусан, ўтган йили Кармана, Нурота, Хатирчи туманларида Сайловолди ва Ҳаракат дастурлари ижросини таъминлаш жараёнлари қониқарли ташкил этилмади.

Вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, саноат корхоналарида иш бошлаган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, бу масалани доимий назоратга олиш зиммамиздаги энг катта вазифалардан биридир.

Ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари томонидан ҳудудларни ободонлаштириш, коммунал хизмат, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалаларда 140 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилди. Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бу анча паст кўрсаткич экани аён бўлади.

Бугун кимки, айниқса, сиёсий партия фаоли, депутат кечаги тушунча, кечаги дунёқараш билан ишлайдиган бўлса, қаттиқ янглишади. Бизнинг фаолиятимизни сайловчилар, электорат вакиллари кўриб, кузатиб турибди, аниқ натижалар, амалий ишларни кутяпти. Шунинг учун партиямиз Сайловолди дастури ижросига муносиб ҳисса қўшишимиз, ўзимизга билдирилган ишончни оқлашимиз шарт.

■ **Бугун кимки, айниқса, сиёсий партия фаоли, депутат кечаги тушунча, кечаги дунёқараш билан ишлайдиган бўлса, қаттиқ янглишади. Бизнинг фаолиятимизни сайловчилар, электорат вакиллари кўриб, кузатиб турибди, аниқ натижалар, амалий ишларни кутяпти.**

**Ориф ТОШОНОВ,**
**ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

**2015 ЙИЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН 18 МАСАЛА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА, 17 ТАСИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА ВА 4 ТАСИ СЕССИЯЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

**ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ**

■ Нотариал фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва 60 дан ортиқ бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.




**Испаниядаги Cybermetrics Lab тадқиқот гуруҳи томонидан бутун дунё олий таълим муассасалари сайтлар рейтинги эълон қилинди.**

## Ўзбекистондаги 66 ОТМ сайти

### бутун дунё олий таълим муассасалари сайтлари рейтингидан жой олди

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, баҳолаш мезонининг асосий кўрсаткичлари сифатида расмий сайт қидирув тизимларида мавжудлиги, уларнинг кўриниши ва гиперҳаволаларнинг сони инобатга олинган.

2016 йил рейтингида дунё бўйлаб 24 мингдан ортиқ олий таълим муассасалари сайтлари баҳоланган. Глобал рейтингда 1,2,3 ўринларни Гарвард, Стенфорд университетлари ва Массачусетс техника институти эгаллаган.

Тадқиқот гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг 66 олий таълим муассасасининг сайтларини баҳолаган. Рейтинг натижаларига кўра, миллий сегментда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 1-ўрин, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети 2-ўрин ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти 3-ўринни эгаллаган.

## Хотин-қизлар учун

### муносиб меҳнат шароити

**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар комиссияси томонидан «ELITE STARS TEXTILE», «Қорақалпоқ электр тармоқлари» ОАЖ, «Ўзбек Телеком» ОАЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалларида хотин-қизлар учун яратилган меҳнат шароитлари ўрганиб чиқилди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати берган хабарга кўра, «ELITE STARS TEXTILE» корхонасида ишловчи 124 нафар ходимнинг 64 нафарини хотин-қиз ташкил этади. Уларнинг 54 нафари касб-ҳунар коллежини битирган қизлардир.

Корхонада хотин-қизлар учун барча шароитлар яратилган. Кечки сменада ишловчиларга транспорт ажратилган. Хотин-қизлар махсус кийим, шахсий ҳимоя воситалари, кунига бир марта бепул овқат билан таъминланган. Мавжуд тиббиёт пунктида уларнинг саломатликлари доимий назорат қилиб борилади.

2 ёшгача бола парвариши таътилида бўлган аёлларга иш берувчи ҳисобидан нафақа пули бериб борилмоқда.

«Қорақалпоқ электр тармоқлари» ОАЖда 241 нафар хотин-қиз фаолият юритиб келмоқда.

Ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан ўтишлари учун, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш имконияти яратилган. Шунингдек, улар кечки сменаларда ишлашдан озод этилган.

Корхона томонидан 2 ёшгача бола парвариши таътилида бўлган 28 нафар аёлга 2015 йилда 69 миллион 581 минг сўм миқдорида нафақа тайинланган. 2 ёшгача фарзанди бор ишловчи аёлларга болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади.

# Нотариат институти

**Бугунги кунда фуқароларимизнинг аксарияти шартнома ва битимлар тузишда, олди-сотди ишларини амалга оширишда, мерос ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида нотариал идораларга боради. Мухбиримиз нотариал фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, бу соҳада ишловчи кадрларга қўйиладиган талаблар сингари бир қатор саволлар билан Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармаси бўлим бошлиғи Авазбек МАДАМИНОВга мурожаат қилди.**



— Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бозор муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса ижтимоий-иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич ҳамда изчил равишда ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади, — дейди у. — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги, 54-моддасида эса, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Конституциядаги ушбу кафолатлар мулкий муносабатларнинг ривожланишига хизмат қилиб, нотариал тасдиқланиши лозим бўлган битимлар тузиш заруратини вужудга келтирди.

Ўз навбатида, шартномаларнинг тўғри ва белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда уларнинг вақтида ижро этилишини таъминлашда нотариат институти муҳим ўрин тутади.

Нотариат институти жисмоний ва юридик шахсларнинг конституцион ҳуқуқлари бўйича малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларни ишончли ва тинч йўл билан ҳал этилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда нотариат соҳасини янада такомиллаштириш, унинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш бўйича етарли норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Хусусан, нотариал фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва 60 дан ортиқ бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**— Қонунларимиз такомиллашиб, нотариусларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгарди. Масаланинг шу жиҳати ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Қайд этиш лозимки, нотариат фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган давлат томонидан тартибга солиш тизимини изчил такомиллаштириб бориш ва нотариал идоралар томонидан ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг ташаббуси билан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, вазирлик таклифи билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси асосида 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги** Қонун билан нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида судьялик лавозимида камида беш йил ёки нотариат соҳасида раҳбарликни амалга оширувчи ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировка муддати бир йилга қисқартирилди. Нотариуслар уч йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши лозимлиги шарт қилиб белгиланди.

Шу билан бирга, Адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи билан 2016 йилнинг 1 июлидан бошлаб нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш икки босқичда:

биринчи босқич — тест синови;

иккинчи босқич — ёзма-оғзаки ўтказилиши белгиланди.

Тест синовларида нотариус лавозимига номзодларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий, хорижий тиллар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим даражаси аниқланиши назарда тутилди.

Соҳага оид қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш, шунингдек, амалиётда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал этиш мақсадида қонун ҳужжатлари хатловдан ўтказилиб, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**— Нотариат соҳасини янада такомиллаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилди?**

— Ўтган давр мобайнида соҳани такомиллаштириш мақсадида катта ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим. Хусусан, Адлия вазирининг «Нотариал ҳаракатлардан намуналар» тўпламини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ билан тўпламни тайёрлашга масъул бўлган ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган тўплам лойиҳасини ҳозирда «Адолат» нашриётида чоп этиш ишлари олиб борилмоқда.

Адлия вазирининг 2014 йил 15 августдаги «Аҳолига нотариал ҳаракатларга оид бепул маслаҳат бериш кунларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Бугунги кунда жойларда аҳолига нотариал ҳаракатларга оид бепул маслаҳат бериш кунлари ташкил этилган бўлиб, тегишли режалар асосида нотариуслар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Адлия вазирининг 2014 йил 30 сентябрдаги «Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ҳар бир давлат нотариал идорасида аҳолига қулай бўлган жойларда «Ахборот бурчаги» ташкил этилди. Ушбу «Ахборот бурчаги»да нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва тўловлар (давлат божи, герб йиғими ва пуллик хизмат) миқдори, шунингдек, давлат божи тўлашдан озод этиладиган шахслар ҳақидаги маълумотлар, апостиль (легализация) қилиш тартиблари, ушбу масалалар билан шуғулланадиган ташкилотлар ва ходимлар ҳақида маълумотлар, шунингдек, «ишонч телефони» рақамлари ва бошқа муҳим маълумотлар акс эттирилди.

Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларининг расмий веб-сайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат божи, пуллик хизмат ва герб йиғимлари қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутувчи электрон калькулятор дастури яратилди. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахслар аниқ нотариал ҳаракатлар бўйича тўловлар миқдори ҳақида олдиндан билиш имконига эга бўлишди.

Адлия вазирининг 2014 йил 30 сентябрдаги буйруғига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қўшимча равишда 9 нафар нотариус, 9 нафар нотариус ёрдамчиси ва 9 нафар нотариус котиби штат бирлиги жорий этилди.

Шунингдек, Адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги буйруғи билан Давлат нотариал идоралари нотариуслари ва бошқа ходимларининг касб этикаси қоидалари тасдиқланиб, нотариуслар ва бошқа ходимлар учун мажбурий бўлган касбий бурчлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари белгиланди, уларга нисбатан янги талаблар қўйилди.

Шу билан бирга, амалиётда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда ҳукуматга киритилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда нотариат соҳасидаги ислоҳотлар нотариал ҳаракатларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан ўрнатилган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга, нотариусларнинг эса мижозлар олдидаги мажбуриятларини виждонан ва ҳалол бажаришига йўналтирмоқда.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.**




## BLOOMBERG АГЕНТЛИГИ

### иқтисодиёти ночор давлатлар рўйхатини эълон қилди

**Мазкур рўйхат 63 давлат бўйича тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган. Унда ночорлик индекси (Misery Index) ишсизлик ва инфляция даражасидан келиб чиқиб белгиланган.**



Рўйхатнинг биринчи поғонасини Венесуэла эгаллади. Ўтган йили бу мамлакатда инфляция 98,3, ишсизлик 6,8 фоизни ташкил қилган.

Инфляция 43,3, ишсизлик 9,4 фоизни ташкил этган Украина эса иккинчи ўринни банд этди. Ундан кейинги қаторларда Аргентина, ЖАР турибди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, 2016 йилда бу борада Аргентина иккинчи, ундан кейинги ўринларни эса ЖАР, Греция, Испания, Сербия ва Бразилия эгаллаши тахмин қилинмоқда.

## ҚАДИМИЙ ТЕАТР

### қолдиқлари топилди



**Грециянинг Лефкас оролида аввал маълум бўлмаган қадимий театр қолдиқлари топилди. Бу ҳақда Греция маданият вазирлиги хабар берди.**

Олиб борилган археологик қазишмаларда қояга ўйилган қатор ўриндиқлар кўзга ташланди. Уларнинг кенглиги 0,73–0,90 метр, баландлиги 0,22–0,33 метр. Бошқа топилмаларда орхестра (саҳна), 0,6 метрли деворлар бўлаклари аниқланди. Ушбу театр қолдиқларининг тузилиши айнан қадимги Грецияда илк бора қурилган театр иморатларига ўхшайди.

Антик театрларда орхестра — саҳна ҳаракатлари кўрсатиладиган айлана, намойишлар томошабинларга яққол кўриниши учун қаторлар юқорилаб борган.

Лефкас оролидаги театр ёзма манбаларда қайд этилмаган. Археологлар унинг мавжудлиги ҳақида XX аср бошидаёқ тахмин қилишган, бироқ айнан қаерда жойлашганини билишолмаган.

■ **МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА**

# Танлов эълон қилинди

**Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий журналистикамизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳа вакилларини ижодий изланишга ундаётганини таъкидлади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган мазкур танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Uzreport» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда «Энг яхши фоторепортаж» ва «Энг яхши матбуот хизмати» рағбатлантирувчи номинациялари таъсис этилди.

«Олтин қалам» миллий мукофоти халқаро танлови нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2006 йилда ўтказилган «Олтин қалам» I Миллий мукофоти учун танловда 136 журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2015 йили ўтган X Миллий мукофот учун танловда 690 ижодкор 15 мингга яқин материалини тақдим этган. Шу вақтга қадар танловда 5000 га яқин журналистнинг 70 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилган. 222 журналист танлов ғолиби ва совриндори бўлган.

Ижодий ишлар давлатимиз раҳбарининг журналистлар олдига қўяётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади, долзарб мавзудаги таҳлилий материалларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, ЮСАИД, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳам танловда ўз мукофоти билан қатнашади.

Йиғилишда «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий масалалар кўриб чиқилди. «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантанали маросимда тақдирланади.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

■ **ИНСОН МАНФААТИ**

**Президентимиз раҳнамолигида аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, ҳудудлар инфратузилмасини замонавий тарзда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# Сув таъминоти яхшиланмоқда

Қорақалпоғистон Республикасини ичимлик суви билан таъминлаш ва сув иншоотларини реконструкциялашнинг 2020 йилгача бўлган стратегиясига мувофиқ ҳудудда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Туямўйин-Нукус минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги «Туямўйин» иншооти кунига 140 минг кубометр, «Тахиатош» иншооти 60 минг кубометр, Нукусдаги гидроиншоот 65 минг кубометр сувни тозалаш қувватига эга. Айни пайтда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хўжайли, Шуманай, Қонликўл ва Қўнғирот туманлари аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб бераётган «Тахиатош» сув тозалаш иншоотида кейинги йилларда 8 миллион 867 минг долларлик лойиҳа асосида реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу ушбу ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятини янада кенгайтирди.

— Жорий йилда Инвестиция дастурига кўра, 18 миллиард 241 миллион сўм маблағ ҳисобига 123,6 километрлик сув тармоқлари қуриш, 28 насос агрегати, 3 сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш режалаштирилган, — дейди Туямўйин-Нукус минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Р.Сейтов. — Бу билан қарийб 36 минг аҳоли хонадонида тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши халқ депутатлари Бахмал туман Кенгаши депутати **Фирмахамбет ХУДОЙНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



ЖАҲОН БАНКИ РЕЙТИНГИГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ДУНЁДАГИ ЎНТА ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ.

**2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

Оила — энг муҳим ижтимоий қурилма, чинакам қадрият. Ҳеч бир маконда инсон ўзини оила даврасидагидай хотиржам ҳис этмайди.



РАНГ-БАРАНГ ЯНГИЛИКЛАР

Twitter ижтимоий тармоғининг ўзбекистонлик фойдаланувчилари томонидан Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган #Navoiy575 хештеги жаҳон трендига олиб чиқилди.

## Ўзбекистонлик Twitter фойдаланувчилари

**#Navoiy575 хештегини жаҳон трендига олиб чиқди**

Ушбу виртуал акция 9 февраль, сешанба куни Тошкент вақти билан 9:00 да бошланди. Фойдаланувчилар ҳар бир твитга **#Navoiy575** хештегини илова қилди.

Twitter трендлари ҳақида маълумот берувчи «Hashtags.org» сайти тарқатган маълумотларга кўра, икки соат оралиғида #Navoiy575 хештеги қайд этилган 30 мингга яқин твит ёзилган. Ўз навбатида, бу акция Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқларида ҳам давом эттирилди.

14 февраль куни ўзбекистонлик ёшлар яна бир буюк бобомиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд куни муносабати билан **#BoburDay** хештегини жаҳон трендига олиб чиқишга ҳаракат қилиб кўрадилар.

## Euronews телеканалида

**Оқсарой ҳақида репортаж намойиш этилмоқда**

8 февралдан бошлаб Euronews телеканалида «Ўзбекистондан откриткалар» дастурининг Шаҳрисабзда жойлашган Оқсарой меъморий обидасига бағишланган репортажи эфирга узатила бошланди. Бу ҳақда «Ўзбектуризм» Миллий агентлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Соҳибқирон Амир Темурнинг қароргоҳи бўлган Оқсарой XIV асрда бунёд этилган. Ҳозирги кунга қадар унинг фақат икки маҳобатли устуни сақланиб қолган.

«Ушбу сарой меъморчиликнинг ажойиб ютуғи бўлган. Сарой томида фавворали улкан ҳовуз бўлиб, унинг суви ён-атрофдаги дарёлардан келиб турган», дея ҳикоя қилади Euronews мухбири Шеймус Керни.

## «Буюк тафаккур соҳиблари»

**кўргазмаси очилди**

Ўзбекистон давлат санъат музейида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд куни муносабати билан кўргазма ташкил этилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати маълумот тарқатган.

Ушбу кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад Алишер Навоий ва Бобурнинг тасвирий санъат усталари томонидан яратилган суратлари ҳамда уларнинг асарларига ишланган ижод намуналарини намойиш этишдан иборат.

Кўргазма бир ой давом этади.

# Оила — қутлуғ даргоҳ

**Президентимиз ташаббуси билан 1998 йил Оила йили деб эълон қилинган эди. Худди шу йилда Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши оилани қадрият сифатида янада эъзозлаш, уни ҳар томонлама ўрганиш имконини берди.**



ЎзА олган сурат.

Инсоният тараққиёти давомида оила энг муҳим ижтимоий қурилма, чинакам қадриятга айланди. Норасида гўдак ана шу қутлуғ даргоҳда ёруғ дунёни танийди. Вақти-соати келиб, оила паноҳида вояга етган навқирон инсоннинг ўзи ҳам оила қуради. Катта оилада ўзига кўрсатилган меҳру мурувватни кексайиб қолган ота-онасига, бобо-бувисига қайтаради.

Бизни ҳеч ерда оиламизчалик интиқ бўлиб кутишмайди. Ҳеч бир маконда ўзимизни оила даврасидагидай хотиржам сезмаймиз. Ютуқларимиздан энг кўп севиниб, ғурурланадиган ҳам, аввало, оиламиздагилар бўлади. Адашсак, тўғри йўлга бошқарадиган, қийналганимизда кўмакка келадиган ҳам оила аъзоларимиздир. Уларнинг ниятлари эзгу, хизматлари беминнат.

Баъзи хорижий мамлакатларда оила ижтимоий институт сифатида ўз мавқеини йўқотаётгани кузатилмоқда. Бу эса жамиятнинг маънавий таназзулидан дарак беради.

**Оилани эъзозлаш, уни муқаддас деб билиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Айни мана шу жиҳат Конституциямиз ҳамда Оила кодексида ҳам ўз аксини топган.**

Оила бағрида яшаётган одам учун иқтисодий қийинчиликлар, таҳликали дамлар ортиқча зиён-заҳматсиз ўтиб кетади. Оила ва яқин кишиларнинг қўллаб-қувватлаши, мадади, фидойилиги, садоқати кишига куч-қувват, ғайрат бағишлайди. Эртанги кунга ишончини оширади, тақдирнинг фавқулодда зарбаларидан ҳимоя қилади.

Оиланинг ана шундай муҳим хусусиятлари эътироф этилиб, 1994 йилда БМТ томонидан 15 май — Халқаро оила куни деб эълон қилинди ва ўша йили Халқаро оила йили деб номланди.

Президентимиз томонидан 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилиши мамлакатимизда она ва бола саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Оилани эъзозлаш, уни муқаддас деб билиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Айни мана шу жиҳат Конституциямиз ҳамда Оила кодексида ҳам ўз аксини топган.

Оиланинг ҳар бир аъзосига, айниқса, кексаларга махсус эътибор қаратиш ҳар йилги Давлат дастурларида алоҳида кўрсатиб ўтилади. Оиланинг эртанги куни, наслу насабнинг давомчилари бўлган фарзандлар парвариши ва тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли вазифаларидан бири сифатида белгиланади.

Шу боис мамлакатимизда оила ришталари мустаҳкам, меҳр-оқибат кучли. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига йил сайин катта эътибор қаратилмоқда. Оилалардаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш борасида қатор муассаса ва ижтимоий институтлар иш олиб бормоқда.

Ўтган йил ҳам марказимиз илмий ходимлари турли ташкилот ва идораларда, вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида кенг қамровли тадқиқотлар ўтказди. Шунингдек, талаба ва ўқувчилар учун очиқ дарслар, оилага бағишланган иншо танловлари ташкил этилди. Қўша қариб, қадр топган табаррук инсонларнинг оилавий ҳаёт тарзи ўрганилиб, тарғиб қилинди. Оилавий спорт мусобақалари, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш каби тадбирлар йил бўйи давом этди.

Марказимиз томонидан чоп этилаётган монография, рисола, қўлланмаларда оиланинг барча аъзоларига маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, тавсиялар бериб борилади. Мақсадимиз — юртимиздаги оилалар бахт масканига айланишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Оила тинч-фаровон, аҳил-иноқ бўлса, она ва бола соғлом бўлади.

**Мунаввара ЁҚУББЕКОВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази бўлим мудири, филология фанлари доктори.**

**СПОРТ**

**Кеча пойтахтимизда футзал бўйича Осиё чемпионати баҳслари бошланди. Унда қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси нафақат ғолиблик, балки Колумбияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатига бериладиган бешта йўлланма учун ҳам кураш олиб боряпти.**

## Дастлабки ғалаба



Мусобақада жамоалар тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритмоқда:

**«А» гуруҳи: Ўзбекистон,** Ливан, Қирғизистон, Саудия Арабистони

**«В» гуруҳи:** Эрон, Ироқ, Хитой, Иордания

**«С» гуруҳи:** Вьетнам, Таиланд, Тожикистон, Хитой-Тайпейи

**«D» гуруҳи:** Япония, Австралия, Қатар, Малайзия.

Тақвимга кўра, кеча «А» ва «В» гуруҳларида дастлабки ўйинлар ўтказилди: Ливан — Қирғизистон — 4:4, Ироқ — Хитой — 6:1, **Ўзбекистон** — Саудия Арабистони — 5:2, Эрон — Иордания — 6:0.

Бугун «С» ва «D» гуруҳларида баҳслар бошланади.

Навбатдаги турда Ўзбекистон футзал терма жамоаси қирғизистонликлар билан куч синашади. Бу учрашув 12 февралда бўлиб ўтади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

**РЕКЛАМА**

**ЗАВОД «KRANTAS»**
**Производит и реализует под заказ:**



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

**ФУТБОЛ**

## «Бунёдкор» — гуруҳ босқичида!



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

**Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларига йўлланма берувчи «плей-офф» учрашувлари бўлиб ўтди.**

Тошкентда «Бунёдкор» жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг «Аш-Шабаб» футболчиларини қабул қилди. Унда ҳамюртларимиз мазмунли ва ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Элдор Шомуродовнинг 2-дақиқадаёқ «Аш-Шабаб» жамоаси дарвозасини ишғол қилгани бунёдкорчилар кайфиятини кўтариб юборди. Орадан ўттиз уч дақиқа ўтиб, Элдор яна бир бор ўзини кўрсатди ва «дубл»га эришди — 2:0.

Мазкур муҳим ғалаба Сергей Лушчан шогирдларига Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига йўлланмани тақдим этди. Энди қуръага кўра, «Бунёдкор» жамоаси «В» гуруҳида Саудия Арабистонининг «Ан-Наср», Эроннинг «Зоб Оҳан» ва Қатарнинг «Лаҳвия» футболчиларига қарши баҳс олиб боради.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигаси гурух баҳсларида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган юртимизнинг бошқа жамоалари рақиблари ҳам маълум бўлди. Жумладан, «Локомотив» футболчилари «А» гуруҳида «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони), «Сепаҳон» (Эрон) ва «Ан-Наср» (Бирлашган Араб Амирликлари) жамоалари билан ўзаро куч синашади.

«Пахтакор» вакиллари «С» гуруҳида «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони), «Тракторсози» (Эрон) ҳамда «Ал-Жазира» (Бирлашган Араб Амирликлари) жамоаларига қарши майдонга тушади.

«Насаф» футболчилари эса «D» квартетида Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» ва Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн» ҳамда Қатарнинг «Ал-Жаиш» жамоалари билан кейинги босқич йўлланмаси учун баҳс юритади.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг дастлабки тур учрашувлари 24-25 февраль кунлари бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 11-12.02 — 2016**

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -5 / -10 | 0 / -5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / -5 | -2 / +3 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | 0 / -5 | -2 / +3 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | 0 / -5 | -2 / +3 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | 0 / -5 | -2 / +3 |
| Тошкент шаҳри | -3 / -5 | -1 / +1 |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +9/ +8 |
| Париж | +8/ +6 |
| Москва | +1/ +2 |
| Мадрид | +15/ +13 |
| Пекин | +12/ +6 |
| Канберра | +32/ +34 |
| Рим | +14/ +14 |
| Афина | +18/ +17 |
| Токио | +14/ +16 |
| Стокгольм | +3/ 0 |
| Кейптаун | +27/ +28 |
| Қоҳира | +21/ +24 |
| Гавана | +21/ +26 |
| Вашингтон | -1/ +2 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
17686 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t – Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5